

---

## Данғара тумани 1-секторда жойлашган Боғиш МФЙда ҳоким ва ёшлар учрашди.

Данғара тумани 1-секторда жойлашган Боғиш МФЙда ҳоким ва ёшлар учрашди.

Учрашувда ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича очиқ мулоқот бўлди.

Учрашувда ёшларнинг ишга жойлашиш, ер майдони ва банк кредити олиш, спорт билан шуғулланиш учун спорт майдонлари ташкил этиш каби мавзулардаги ўнлаб мурожаат ва таклифлари тингланди.

Ёшлар томонидан билдирилган таклифлар ҳамда масалалар муҳокама этиб ўтилди. Кредит олиш ва ишга жойлашиш истагидаги ёшлар алоҳида ажратиб олиниб, уларнинг мурожаатлари билан банк ва бандлик мутасаддилари махсус шуғулланиши юзасидан кўрсатма берилди.

---

2024-02-01 14:47:49